

бўлган. Ушбу умматнинг офияти аввалида қилинди. Охирига эса ҳали балолар ва сизлар мункар деб биладиган ишлар келади. Шундай фитналар келадики, бири бирини (кейингиси аввалгисини) енгил кўрсатиб қўяди. Фитна келади, шунда мўмин: «Менинг ҳалокатим мана шу», деб қолади, лекин (фитна) ўтиб кетади. Яна фитна келади, шунда мўмин: «Шуниси, шуниси», дейди.

Ким дўзахдан йироқлаштирилиб, жаннатга киритилишини истаса, ўлими келганда Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳолда бўлсин; ўзига қандай муомала бўлишини истаса, одамларга ҳам шундай муомала қилсин.

Ким бир раҳбарга байъат қилиб, унга қўлини ва қалб қўрини тутган бўлса, агар қодир бўлса, унга итоат қилсин. Аммо бошқаси у билан (раҳбарликни) талашгани келса, ўша бошқанинг бўйнини чопинглар».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

